


# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 26 сентябрь, № 187 (6370) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти **Барак Обама**

Марокаш Подшоҳи **Муҳаммад VI**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён** ўз табрикларини йўллаганлар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия парламенти, вазирлик ва идоралари, жамоатчилик, эксперт ҳамда ишбилармон доиралар, оммавий ахборот воситалари, дипломатия корпуси ҳамда Британия — Ўзбекистон жамияти вакиллари қатнашди.

# Лондонда тантанали қабул маросими

Тадбирда мустақилликнинг халқимиз ҳаётида тутган муҳим ўрни ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар айнан истиқлол шарофати эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастуридан кўзланган мақсад ва вазифалар, унинг ҳаётга татбиқ этилиши, фуқаролик жамияти ва демократик институтлар ривожининг ҳозирги ҳолати, юртимиз иқтисодиётини тизимли равишда ўзгартириш ва диверсификациялашнинг устувор йўналишлари ҳамда хусусийлаштириш ва хусусий тадбиркорликни тараққий топтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Тантанали маросимда икки давлат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маросимда сўзга чиққан **Британия — Ўзбекистон жамияти раиси, доктор Хартли Бут** мамлакатимиз халқини ушбу муҳим сана муносабати билан самимий қутлар экан, кейинги 24 йил мобайнида юртимизда рўй бераётган кенг қамровли муваффақиятларга ўзи бевосита гувоҳ бўлганини таъкидлади.

Унинг эътирофича, Ўзбекистон қисқа даврда фуқаролик жамиятини, замонавий таълим тизими ҳамда тараққиётнинг муваффақиятли иқтисодий моделини шакллантириш масалаларида салмоқли натижаларни қўлга киритди.

Х. Бут Британия — Ўзбекистон жамияти икки давлатнинг ўзаро муносабатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини ҳамда улар янги босқичга кўтарилиши юзасидан саъй-ҳаракатларни сира аямаслигини маълум қилди.

(Давоми 2-бетда).

# ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ана шу мавзудаги XIII халқаро кўргазма иш бошлади.

*Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ўғил-қизларимизнинг қандай таълим-тарбия олиши, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда билимли, соғлом, дунёқараши кенг, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган авлодни вояга етказиш масаласи муҳим ва устувор вазифа, деб белгилаб олинган.*




Бинобарин, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида ёшларга қарата “Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз. Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажак сизники!” дея таъкидлагани замирида ҳам уларга бўлган беқиёс эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

Эртамиз эгаларининг нафақат илм олиши, балки танлаган мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига кўмаклашиш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. “Таълим ва мутахассислик” кўргазмаси айни латларнинг кўплаб олий ўқув юртлари, бўш иш ўринлари тақдим қилаётган йирик корхоналар, бандликка кўмаклашувчи марказлар қатнашмоқда.

Кўргазманинг очилишида сўзга жабҳаси учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асосларини белгилаб беради. Ўз навбатида, касб-ҳунар коллежларида умумтаълим фанлари билан бирга, меҳнат бозо- лаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори олий таълим муассасаларини модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган.

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз ва хорижий дав-

чиққанлар таълим тизимидаги янгиланишлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилаётгани, мазкур халқаро кўргазма ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиш самарадорлигини оширишини таъкидлаб ўтдилар.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча

рида талаб қилинадиган бир неча касб-ҳунарни эгаллаш имконияти ҳам яратилган. Уларда таълим олган ёшлар жамият равнақига муносиб ҳисса қўшаяпти.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёр-

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

*Тошкентда миллий журналистикани ривожлантириш истиқболларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.*

# Миллий журналистикани ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда парламент аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, халқаро ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, хорижий экспертлар қатнашди.

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, оммавий ахборот воситаларини эркин ҳамда жадал тараққий эттиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айни пайтда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга доир кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий тасдиғидир.

Халқаро анжуман иштирокчилари фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим институти сифатида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш, глобаллашув шароитида миллий журналистикани янада равнақ топтириш истиқболлари хусусида сўз юритдилар.

(Давоми 2-бетда).

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

*Осмони мусаффо, турмуши фаровон юртнинг байрамлари доимо кўтаринки руҳда давом этади. Мамлакатимизда дориламон кунларга шукроналар айтиш, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, кексаларни эъзозлаш, беморлар ҳолидан хабар олиш, меҳр-мурувват, оқибат кўрсатиш эзгу анъанага айланган. Халқимизга хос ушбу фазилатлар, айниқса, Қурбон ҳайити муносабати билан жойларда ўтказилган тадбирларда янада ёрқин тус олди.*

## ШУКРОНАЛИК

Хусусан, айём муносабати билан табаррук отахону онахонлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ҳамда Саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Тегишли ташкилотлар иштирокидаги бу каби хайрли ишлар одамлар ўртасида меҳр ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 сентябрдаги “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган устувор вазифалар муҳим дастуриламал бўлаётир.

Бинобарин, жойларда тегишли идора ва ташкилотлар томонидан тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳайит намози ўқиладиган масжидларда жамоат тартиби, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш чоралари кўрилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Қурбон ҳайити уюшқоқлик билан ўтказилди. Тадбирларда мустақил юртимизда инсон манфаатлари бош мезонга айлангани, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар беқиёс самаралар бераётгани, халқимиз фаровон ҳаёт оғушида бунёдкорлик юмушлари билан банд эканлиги таъкидланди.

Айём муносабати билан Оролбўйидаги муқаддас қадамжолар обод қилиниб, тарихий обидалар саришта ҳолга келтирилди. Байрамни ўтказиш жараёнида саховат, яхшилик, эҳтиром каби азалий хислатлар янада теран акс этди.

— Қурбон ҳайити туманимизда шодликларга лиммо-лим тарзда нишонланди, — дейди “Нуроний” жамғармасининг Беруний тумани бўлими раиси Шукрулла Худойберганов. — Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган хонадонларга хайр-саховат кўрсатилди. Байрам дастурхони ёзилди.

(Давоми 2-бетда).



# БЕБАҲО МЕРОС, БЕТАКРОР ТАБИАТ, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

### туризм ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда

*Сайёҳлик ҳар бир мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда халқаро алоқаларни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу боис дунё бўйича ушбу соҳанинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини фаол тарғиб қилиш, жамоатчиликка атрофлича тушунтириш, бу борада давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни изчил ривожлантириш қулоч ёзмоқда.*

## 27 СЕНТЯБРЬ — ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КУНИ

1979 йили Испаниянинг Торремолинос шаҳрида ўтказилган Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Бош ассамблеясида “27 сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни” деб эълон қилинганининг сабаби ҳам аслида ана шунда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мазкур соҳа равнақига алоҳида устуворлик берилаяпти. Маълумки, 1992 йилда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташкил этилди, орадан бир йил ўтиб, у Ўзбекистон Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлди. “Туризм тўғрисида”ги Қонун, Президентимизнинг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар мазкур соҳанинг тараққиётини белгилаб турибди.

Қолаверса, юртимиз Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашганлиги, боз устига, ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданияти, анъаналари ва табиати билан сайёҳларни ўзига мафтун этаяпти. Ҳар йили республикамизга жаҳоннинг 70 дан зиёд мамлакатларидан 2 миллионга яқин меҳмонлар ташриф буюраётгани хорижликларнинг эътирофи ва қизиқишидан далолатдир.

“Ўзбектуризм” Миллий компанияси бош мутахассиси Миртолиб Мирзоҳидов қайд этганидек, мустақиллик йилларида сайёҳларни муносиб кутиб олиш учун яратилган қулай шарт-шароитларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда ҳудудимизда салкам 550 та туроператор ва агентлик, турли мулкчилик шаклидаги 500 та меҳмонхона ҳамда меҳмонхона типидаги тузилма фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, охирги саккиз йилда 13 мингдан ортиқ сайёҳларни қабул қилиш имкониятига эга 300 дан зиёд хусусий меҳмонхоналар қурилгани, жами меҳмонхоналар эса 60 мингдан кўп ўринга мўлжаллангани диққатга сазовор.

(Давоми 4-бетда).

# Миллий журналистикани ривожлантириш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистонда миллий журналистикага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳа қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди Жануби-шарқий Европа оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича эксперт, “Seecom” жамоатчилик билан алоқалар уюшмаси президенти Огниан Златев (Болгария). — Натижада юртингизда журналистиканинг сифати ва самарадорлиги ортмоқда. Ушбу мавзу Европа мамлакатлари учун жуда муҳимдир. Бинобарин, миллий журналистика халқаро медиамаконида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Конференция доирасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини замон талаблари асосида ривожлантириш, журналистларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, телерадиоканалларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ишлар ҳамда бу борада хорижий давлатлар тажрибасига оид қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир якунида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тадбиркорликнинг ишончли ҳимояси

*Бухорода “2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” мавзуида конференция-семинар бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Унда ҳуқуқни муҳофаза этувчи, назорат қилувчи ва суд органлари, шаҳар ҳамда туман ҳокимлари, молия муассасалари раҳбарлари, тадбиркор ҳамда фермерлар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, Бухоро вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ишбилармонларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2014 йилда 67 фоизни, экспортдаги ҳиссаси 30 фоизни, бандликдаги улуши эса 78,6 фоизни ташкил қилди. Жорий йил якунига келиб, бу кўрсаткичлар сезиларли даражада ошиши кутилаяпти. Чунки мамлакатимизда ишбилармонларнинг эркин фаолият юритиши учун янада кенг қулайликлар яратиб беришга катта эътибор қаратилаётир. Бинобарин, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур Қонун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини янги поғонага кўтаради.

Тадбирда Олий хўжалик суди раиси К. Камилов, вилоят прокурори М. Азимов ва бошқалар шу йилнинг 21 августидан эътиборан кучга кирган ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича сўз юритдилар. Иштирокчилар янги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда божхона, солиқ, суд, прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифалар, тадбиркорларга яратилган қулайлик ва енгилликлар ҳамда имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

— Бугунги конференция биз учун жуда фойдали бўлди, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Ғайратбек Ражабов. — Ўзимизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдик. Қонуний манфаатларимиз давлатимизнинг доимий ҳимоясида эканини янада чуқур ҳис этдик. Қонунга мувофиқ, Солиқ кодексига киритилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчаларда тадбиркорларга ходимларни ёллаш ҳуқуқи берилган. Бу ишбилармонга ҳар бир ёлланган ходим ҳисобидан белгиланган қатъий солиқнинг 70 фоизи, суғурта бадаллари ҳисобидан 50 фоиз миқдорида маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Тадбирнинг очиқ мулоқот тарзида ўтказилгани хусусий сектор вакилларининг қонунчиликдаги янгиликларга оид тушунчаларини янада бойитди.

Конференция-семинарда вилоят ҳокими М. Эсанов сўзга чиқди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кўчма хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди

*“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг Наманган вилоят филиали ўз мижозларига кўчма хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Бунинг учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус автомашина ва мутахассислар гуруҳи жалб этилди*

ИНТИЛИШ

Натижада “Uzonline”, “Uzmobile” ҳамда “IPTV” хизматларидан фойдаланаётган мижозларга катта қулайлик яратилди. Чунки мутахассислар зарур техник воситаларга эга, мослаштирилган “Дамас” автомашинасида белгиланган манзилга бориб, тегишли хизматни тез ва сифатли амалга оширишмоқда. Яна бир жиҳати, Наманган шаҳри аҳли эндиликда уй телефони, телеком тизимидаги бошқа тармоқларга уланиш учун филиал идорасига бориш ташвишидан халос бўлишди. Бу юмуш энди кўчма алоқа хизмати мутахассислари томонидан адо этилаяпти. Автоуловда, шунингдек, тўловларни қабул қилувчи касса ҳам ишлаб турибди.

Янгиликнинг жорий этилиши натижасида қўшимча иш ўринлари вужудга келди. Унга тажрибали мутахассислар билан бир қаторда, алоқа касб-ҳунар коллежини битирган ёшлар ҳам жалб қилинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Лондонда тантанали қабул маросими

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маросимда шу йил 31 август куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган байрам тантаналарининг видеоёзуви намойиш этилди.

**Шарқ ва Африка тадқиқотлари Лондон мактаби тадқиқотчиси Л. Ломбардоззи** мамлакатимиз пойтахтидаги байрам тантаналарини шарҳлар экан, мазкур тадбир кўп асрлик ўзбек маданиятига хос бўлган миллий ранг-барангликни ўзида намоён этганини таъкидлади.

— Мен яқинда илмий тадқиқот олиб бориш мақсадида Ўзбекистонда бўлдим, — деди у. — Юртингизнинг барқарор иқтисодий ривожланиши ҳамда хорижлик ишбилармонлар ва сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит чет эллик тадбиркорларнинг эътиборини ўзаро манфаатли амалий алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун борган сайин ўзига кўпроқ жалб этмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатингиз иқтисодий ривожланишининг юқори кўрсаткичлари халқаро молия ташкилотлари томонидан ҳам ижобий баҳоланаяпти.

**Буюк Британиянинг “Spinna Circle” нодавлат нотижорат ташкилоти директори Рупа Гангули** тадбирда ўзбек халқининг ноёб тарихий-маданий мероси ва бой анъаналари ўзида катта таассурот қолдирганини айтди.

— Ташкилотимиз аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистоннинг “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси билан яқин ҳамкорлик қилади, — деди Р. Гангули. — Биз республикангизнинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётига жалб этилган аёллар кўпчиликни ташкил қилишини ишонч билан айтамиз.

Тадбир доирасида ўзбекистонлик мусаввир Темур Даватцнинг Марказий Осиё халқлари қўҳна маданияти, анъана ва урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган ижодий ишлари ҳамда Буюк британиялик таниқли фоторассом Тим Флакнинг мамлакатимиз ҳаётини акс эттирган суратлари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**«Жаҳон» АА.**

# ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).




Чунончи, Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 — 2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан жуда катта куч ва маблағ йўналтирилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, “Таълим ва мутахассислик” халқаро кўргазмаси “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури”га мувофиқ ташкил этилаётир. Бундан кўзланган мақсад ёшларни Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар таълим тизимининг замонавий услублари билан яқиндан таништириш, ўқув муассасалари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, ўғил-қизларимизнинг қизиққан соҳалари бўйича таълим муассасаларини танлашларига кўмаклашиш ва мутахассислик фаолиятидаги маълум йўналишлар бўйича иш ўринларини тақдим этишдан иборат.

Икки йўналишда ўтказилаётган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Сингапур, АҚШ, Польша, Буюк Британия, Германия, Латвия, Малайзия, Япония каби қатор давлатларнинг ўттизга яқин етакчи олий ўқув муассасалари ва тил марказлари, шунингдек, кўплаб иш берувчи ташкилотлар иштирок этмоқда.

...Ёшлар ижод саройини айланамиз. Бу ерда юртимиздаги етакчи олий ўқув юртлари, хорижий таълим муассасалари ўз фаолиятига доир тақдимотларни ўтказаяпти. Билимга чанқоқ йигит-қизларимиз эса хорижликлар билан инглиз, немис, француз, хитой ва яна бошқа чет тилларда бемалол суҳбатлашишмоқда.



— Уч йилдан буён Ўзбекистон Миллий университетида сабоқ бериб келаяпман, — дейди германиялик мутахассис, фалсафа фанлари доктори Герт-Рюдигер Вегмарсхаус. — Очиғи, юртингиз ёшларининг билим олишга бўлган иштиёқи, изланишига жуда ҳавасим келади. Улар учун яратиб берилган шарт-шароитлар ҳам таҳсинга лойиқ. Мана бундай кўргазмалар эса ёш мутахассис кадрлар учун катта имкониятдир. Бизнинг стендимизда Германия олий таълим муассасаларидаги йўналишлар бўйича маълумотлар тақдим қилинмоқда. Улар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотаётганидан хурсандмиз.

Кўргазманинг мутахассислик йўналиши мамлакатимизнинг етакчи фирма ва компанияларига мавжуд бўш иш ўринлари учун номзодларни танлаб олишда қулай имконият яратмоқда. Бу ерда нафақат таълим муассасаларини битираётган йигит-қизлар, балки тажрибали мутахассислар ҳам ўз соҳалари бўйича корхоналар билан меҳнат шартномаси тузишлари мумкин.

Ташкилотчиларнинг айтишича, кўргазмада салкам 20 минг нафар йигит-қиз қатнашиши кўзда тутилган. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари эканлиги, айниқса, диққатга моликдир.

“Таълим ва мутахассислик” XIII халқаро кўргазмаси шу йилнинг 27 сентябригача давом этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

# Равон йўллар

## тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилади

*Пойтахтимизда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан жаҳон андозаларига мос автомобиль йўллари тармоғини такомиллаштириш, транспорт коммуникация тизимини ривожлантириш масаласига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.*

ТАДБИР

Таъкидланганидек, юрт тараққиёти, аҳоли фаровонлигини кенг ва равон йўлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожида дунёнинг турли нуқталарини бир-бири билан туташтирувчи йирик автомагистралларнинг аҳамияти катта. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда янги йўл ва кўприклар қуриш, унинг халқаро андозалар даражасидаги инфратузилмасини яратиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тизими қарийб 184 000 километрни ташкил этса, умумий фойдаланишдаги 42654 километр йўллар жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 6 мартдаги “2015 — 2019 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган махсус дастурда шу давр ичида 2699,8 километрлик автомобиль йўллар, 350 метрлик кўприклар ҳамда 7 та йўл ўтказгич ва транспорт ечимлари қуриш режалаштирилган.

Жорий йилда 376,6 километр масофадаги тўрт тасмали автомобиль йўли ва 3 та йўл ўтказгични қуриш ҳамда реконструкция қилиш, янги техникалар сотиб олиш учун 1 триллион 543,5 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Ваҳолонки, 2006 йилда 241 километрлик икки тасмали автомобиль йўлини таъмирлашга атиги 31,6 миллиард сўм сарфланган эди.

Бундан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ушбу мақсадлар учун 500 миллиард сўмлик сармоя ажратилдики, бу тўрт йил олдинги кўрсаткичдан 5 баробар кўпдир.

Қолаверса, 2009 — 2018 йиллар ичида 1108 километрлик йўлни таъмирлаш учун халқаро молия институтларининг 2014 миллион АҚШ долларилик сармоясини жалб этиш ҳам мўлжалланмоқда. Ҳозирги кунда 1241 миллион долларлик кредит эвазига бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти.

Албатта, равон ва текис йўллар атрофи ҳам шунга яраша обод бўлиши лозим. Шу маънода, яқин вақт ичида Ўзбек Миллий автомагистрали бўйида 240 та инфратузилма ва хизмат кўрсатиш шохобчасини барпо этиш кўзда тутилаётгани диққатга сазовордир.

Тадбирда мутахассислар томонидан журналистларга бу борада бажарилаётган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бухоро вилоятида байрам арафасида “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлинмалари ташкилотчилигида зиёратгоҳ масканларда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди.

— Ҳудудимизда 558 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритаяпти, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Акмал Қазоқов. — Қурбон ҳайити муносабати билан уюштирилган байрам дастурхонлари атрофида отахону онахонлар тинч ва фаровон кунларга шукроналар айтишди. Улашилган совға-саломлар, дийдорлашув, ширин суҳбатлар кўнгилларга қувонч устига қувонч олиб кирди.

Эзгулик нурлари билан қалбларни чароғон этувчи Қурбон ҳайитини самарқандликлар ҳам муносиб нишонладилар.

Имом Бухорий мажмуаси шу куни, айниқса, гавжум бўлди. Бу ерда мамлакатимиздаги барча жоме масжидида бўлгани сингари ҳайит намози эмин-эркин адо этилиб, юртимизда хотиржамлик, фаровонлик ва тараққиёт бардавомлигини тилаб дуолар қилинди.

Муборак айём куни вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ташкилот ҳамда корхоналар, тадбиркору фермерлар, саховатпеша инсонлар томонидан беморлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди, совға-саломлар тарқатилди. Биргина “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими томонидан эҳтиёжманд кексаларга 236 дона гилам туҳфа қилинди.

— Қурбон ҳайити биз, ёшлар учун улуғвор эзгулик мактаби, — дейди “Камолот” ЁИҲ Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Жасур Раҳмонов. — Байрам кунлари амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, савобли юмушларга келажагимиз ворислари ўз ҳиссаларини қўшганларидан жуда ҳам мамнун.

Шукроналик айёми Навоий вилоятида ҳамжиҳатликда ўтди.

— Шундай кунларга етказганига шукр, — дейди карманалик меҳнат фахрийси Азим Бозоров. — Ота-боболаримиз учун армон бўлган истиқлолни кўрдик. Мустақиллик шарофати билан азалий қадриятларимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз қайта тикланди. Ўзбекистонимиз дунёга юз тутди. Турмушимиз ҳавас қилгулик даражада. Бунинг учун, энг аввало, Юртбошимиздан миннатдормиз.

Вилоятда меҳр-оқибат байрамини завқу шавқ ила кутиб олиш ва ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрилди. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси ҳамда кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Наманганда муборак айём арафасида тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, саховатпеша инсонлар ўзгалар қаровига муҳтож, бемор ва ногирон кишилар хонадонларида бўлишди. Хусусан, бундай йўқловдан Уйчи туманидаги Қўрғонча қишлоғида яшовчи Одилжон Ҳакимовнинг кўзларида севинч ёшлари қалқиди. Совға-саломлар, бир пиёла чой устидаги гурунгдан кўнгиллар тоғдек кўтарилди.

— Бу байрам бизга куч-қувват, завқ-шавқ, шукуҳ бахш этди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг масъул котиби Зоҳид Дадабоев. — Фуқаролар йиғинлари, кўпни кўрган оқсоқоллар, фаол ёшлар ташаббуси билан жойларда ташкил этилган тадбирлар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар аъзолари, якка-ёлғиз кексаларнинг ишончига ишонч қўшди. Биргина бўлимимиз ходимлари шаҳар ва туманлардаги қаровчиси йўқ ҳамда беморлар яшаётган 84 хонадонда бўлиб, уларга саккиз турдаги озиқ-овқат ва ширинликлардан иборат туҳфаларни топширдилар.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорига мувофиқ, Қурбон ҳайити байрамини юксак савияда ўтказиш учун Андижон вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлинмалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан турли учрашувлар ўтказилди. Маданият ва истироҳат боғлари, аҳоли гавжум масканларда халқ сайиллари уюштирилди. Байрам муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга совға-саломлар берилди. Шу куни Меҳрибонлик, Саховат ҳамда Мурувват уйларида байрам дастурхони ёзилди.

Сурхондарё вилоятида Қурбон ҳайити арафасида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажарилди. Жумладан, кўчалар ва ариқлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар, хиёбонлар тартибга келтирилди. Шодиёна куни кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар ва кексаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, вилоятда яшовчи икки юздан ортиқ юз билан юзлашган юртдошимиз хонадонларига борилиб, уй юмушларига кўмаклашилгани диққатга сазовордир.

Тошкент вилоятида ҳам кўча ва хиёбонлар, зиёратгоҳ манзилларда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексаларнинг ҳовли-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда байрам муносабати билан жойларда “Кексалар дуосини олайлик”, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!”, “Қариси бор уйнинг — париси бор”, “Қариялар хонадонимиз файзи” каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар, “Меҳр-муҳаббат ва тотувликда кечаётган узоқ умр” шиори остида ўзининг фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ҳамда ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган ёши улуғ инсонлар билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

* * *

Ушбу айём мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Самарали фаолиятнинг амалий ифодаси

*Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш, хусусан, банкрот корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.*

Натижада кўплаб иқтисодий ночор корхоналар қайта оёққа туриб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараяпти. Бу жараёнда, айниқса, тижорат банклари фаол иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки таркибидаги “NBU Investment” инвестиция компанияси томонидан йўналтирилган маблағ эвазига “Xorazm gilamlari” масъулияти чекланган жамияти фаолияти тобора ривожланмоқда.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Хива шаҳридаги мазкур корхона маҳаллий ва хорижий хом ашё асосида йилига 1 млн. кв. метр гилам маҳсулотлари ҳамда 4000 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, Германия, Франция ва Швейцариянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган корхонада меҳнат қилаётган 200 нафар ишчи-ходим томонидан тайёрланаётган ана шу маҳсулотлар ички бозордан ташқари, хорижлик харидорларга ҳам етказиб берилаётир. Жорий йилнинг саккиз ойида 70 млрд. сўмлик гилам маҳаллий, 378 минг АҚШ долларилик маҳсулот чет эллик буюртмачиларга сотилгани ана шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, юртимизда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда, “Ўзмиллийбанк” ва унинг инвестиция компаниялари жамоалари бундан буён ҳам ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш пайидан бўлмоқдалар.

**Банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

---

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2016 йил учун катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар институтига қабул эълон қилади.**

**Катта илмий ходим-изланувчилар:**

**15.00.01** — Дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш — 1 ўрин.
**14.00.17** — Фармакология ва клиник фармакология — 1 ўрин.

**Мустақил изланувчилар:**
**(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)**

**15.00.01** — Дорилар технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш.
**15.00.02** — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия.
**14.00.17** — Фармакология ва клиник фармакология.

**Керакли ҳужжатлар:**

— ариза;
— меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;
— дипломлар нусхалари;
— тадқиқот мавзуи бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— эълон қилинган мақола (камида учта) ва тезислар (камида иккита) нусхалари;
— илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан тест синовини топширгани ҳақида ҳужжат нусхаси (фан номзодларидан ташқари);
— илмий маслаҳатчининг ёзма розилиги;
— паспорт ва ҳарбий билет нусхалари;
— 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
— шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
— тавсиянома.

***Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефон: (0-371) 256-39-54.**

1384A/662

---

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

05/160

---

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 19 июндаги 1-2584/15-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14 мавзеси, 12-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 57,56 кв.м., тураржой майдони 27,84 кв.м., 2 та хонадан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 54 167 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 27 октябрдаги 10-1415/15620-сонли, 2015 йил 12 январдаги 10-1403/19821-сонли ҳамда Хоразм вилояти хўжалик судининг 2014 йил 20 октябрдаги 22-1402/8191-сонли ижро варақаларига ҳамда йиғма ижро иши юритувига бирлаштирилган ижро ҳужжатларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ 2-тор кўчасида жойлашган, умумий майдони 546,0 кв.м.дан иборат бўлган база биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 443 764 000 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 13 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1446R/6

Хизматлар лицензияланган.

---

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-24.**

---

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 январдаги 12-1504/408-сонли, 12-1504/405-сонли ва 2015 йил 28 апрелдаги 12-1506/3522-сонли, 12-1506/3523-сонли, 12-1506/3525-сонли суд буйруқларига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Пахтакор кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 32018,49 кв.м., фойдаланиш майдони 33051,40 кв.м. бўлган «Янгиерйўлиндустрия» УКга тегишли бино арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 316 549 013 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Сайхунобод тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 28 августдаги 12-1206/13082(27.1)-сонли, 2012 йил 4 октябрдаги 12-1212/12667-сонли, 2013 йил 11 мартдаги 12-1306/1669(30)-сонли ва 2013 йил 15 апрелдаги 12-1306/2060-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Темир йўл кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 874,61 кв.м. бўлган 0032-литерда гуруч заводи биноси ва 0033-литерда макарон цехи бинолари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 789 013 061 сўм 79 тийин.***

Аукцион савдоси 2015 йил 13 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 9 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

1439R/02

Хизматлар лицензияланган.

---

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 21-1405/4810-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Кармана баракали замин» МЧЖга тегишли, Кармана тумани, «Янгиариқ» МФЙда жойлашган, умумий майдони 382,91 кв.м., фойдаланиш майдони 99,65 кв.м. бўлган 11 хонадан иборат иссиқхона биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 450 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 12 октябрь куни соат 18.00.

**1.** Навбаҳор тумани СИБ томонидан ФИБ Навбаҳор туманлараро судининг 2015 йил 19 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 99-«А» уй, 8-хонадонда жойлашган, умумий майдони 55,30 кв.м. бўлган 2 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 93 500 000 сўм.***

**2.** Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Паркент тумани судининг 2015 йил 22 июлдаги 8354-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, Ломоносов кўчаси, 9-уй, 27-хонадонда жойлашган, умумий майдони 59,8 кв.м. бўлган 3 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 260 104 217 сўм.***

**3.** Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2015 йил 6 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Навоий Дурдона Мафтуна» МЧЖга тегишли, Кармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ, Талқоқ маҳалласида жойлашган, ер майдони 1600,0 кв.м., фойдаланиш майдони 288,30 кв.м. бўлган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 300 289 000 сўм.***

**4.** Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2015 йил 6 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Учқудуқ қурилиш сервис» МЧЖга тегишли, Навоий шаҳри, Спутник қўрғонида жойлашган, ер майдони 1983,66 кв.м., фойдаланиш майдони 1918,28 кв.м. бўлган 3000 тонналик совутқич омборхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.***

**5.** Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2015 йил 11 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Кармана мебель савдо» МЧЖга тегишли, Навоий шаҳри, Маҳмуд Таробий кўчасида жойлашган, ер майдони 477,49 кв.м., фойдаланиш майдони 366,71 кв.м. бўлган магазин биноси.

***Бошланғич баҳоси — 310 500 000 сўм.***

**6.** Нурота тумани СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2015 йил 2 октябрдаги 21-0602/658-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нурота тумани, Ғазғон қўрғонида жойлашган, «Карарамармар» шуъба корхонасига тегишли, ер майдони 1202 кв.м. бўлган 4-чи ишлаб чиқариш цехи карьерлари, Италияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар ва бошқа ускуналар, «Ғазғонмармар» АЖга тегишли, ер майдони 1975 кв.м. бўлган маъмурий бино, ер майдони 1461 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи, ер майдони 956 кв.м. бўлган дўкон биноси, ер майдони 1338 кв.м. бўлган таъмирлаш биноси, ер майдони 794 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш уйи биноси ва 2- ва 3-автобазалар бинолари ягона мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 1 160 269 684 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 26 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефонлар: (0-436) 224-44-01, 224-15-61. www.1kms.uz**

1437R/2

Хизматлар лицензияланган.

---

## «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ

**2015 йил 12 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2015 йил 24 мартдаги 16-1506/1752-сонли ижро варақасига асосан, Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Тўрақўрғон тумани, «Наманган 3-пахта тозалаш заводи» АЖга қарашли, Оқтош маҳалласида жойлашган, қурилиш ости майдони 340,71 кв.м., фойдаланиш майдони 1238,78 кв.м., 48 хонадан иборат маъмурий бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига ФИБ Наманган туманлараро судининг 2014 йил 9 сентябрдаги ижро варақасига асосан, Наманган шаҳар СИБ томонидан хатланган, Наманган шаҳри, Гўзал даҳаси, Меҳнатобод маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 804,44 кв.м., 9 хонадан иборат молхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 232 000 000 сўм.***

Шунингдек, 2015 йил 27 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2015 йил 13 июлдаги 16-1505/6136-сонли ижро варақасига асосан, Чортоқ тумани СИБ томонидан хатланган, «Уста Адаш Абдулла Карим» МЧЖга тегишли, Чортоқ шаҳри, «Бўлон» МФЙ ҳудудида жойлашган, фойдаланиш майдони 431,30 кв.м., қурилиш ости майдони 504,20 кв.м., 17 хонадан иборат, икки қаватли тикувчилик цехи бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 481 800 000 сўм.***

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир банк иш кунидан аввал соат 11.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Namangan rieltor savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлими, МФО: 00223, СТИР: 302162066, 22604000204949150001 ҳисоб рақамига тўлашлари, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини (шунингдек, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома нусхасини) илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этишлари шарт.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил:**
**Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 9-уй, 4-қават, «Namangan rieltor savdo» МЧЖ.**
**Телефонлар: (0-369) 227-31-66, (+99894) 503-73-72. www.nrs.uz, 1nrs@mail.ru**

1438R/701

Хизматлар лицензияланган.

---

Фаолият кўрсатаётган

## ҒИШТ ЗАВОДИ СОТИЛАДИ.

Манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани. Завод газ ва кўмир ёрдамида ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Унинг ҳудудида кўмир сақлайдиган омбор, турли хоналар, трансформатор, қудуқ (скважина) мавжуд.
Шунингдек, корхона тасарруфида бульдозер, юкорттич (погрузчик) ҳам бор.
Завод видеокузатув тизимига эга. Умумий майдони — 15 гектар.

**Тел.: (+99897) 705-98-00, (+99893) 388-88-40.**

873A/32

---

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси Ўзбекистон халқ артисти **Ўлмас АЛИХЎЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ жамоаси Юридик бошқарма бошлиғи Бахтиёр Усмоновга волидаи муҳтарамаси **Шаҳрибону ая УСМОНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни**

# Қирқ беш дақиқа ҳаяжони

*Дарс ўтишга тайёрманми? Бугун ўқувчиларга нима тақдим этаман? Машғулотимда йигирма-ўттиз чоғли ўғил-қизнинг ҳар бири қирқ беш дақиқани беҳуда ўтказса, қанча вақт, қанча имконият бой берилади?*

*Оҳангаронлик ўқитувчи Саломат Абдуқодирова қадрдон мактаби остонасига қадам қўяр экан, хаёлини шундай ўйлар чулғаб олади.*

Тажрибали педагог, йигирма икки йилдирки, тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактабида эртамиз давомчиларига кимё фанидан сабоқ беради. Биласиз, аниқ фанлардан дарс ўтишнинг баъзи мураккабликлари бор. Айтайлик, она тили, адабиёт, тарихдан “аъло”га ўқиган боланинг физика-математика, кимё машғулотларига “тиши ўтмай” қолиши мумкин. Баъзан мактаб дарсликларида шундай мураккаб формула ёки тенгламалар учрайдики, улар нафақат ўқувчи, ҳатто, ўз устида тинимсиз ишламаган ўқитувчини ҳам шошириб қўйиши табиий. Бироқ ҳамкасбларининг айтишича, Саломат Абдуқодирова ўғил-қизларда фанга нисбатан меҳр ва қизиқиш уйғота олган жонкуяр муаллимлар сирасидан экан.

— Фаннинг мураккаблиги бор гап, — дейди муаллима. — Лекин ўқувчининг ўзлаштириш даражаси паст бўлса, сабабини бундан изламаслик керак. Ёдингизда бўлса, бир пайтлар мактабларда табиий фанлар бўйича болаларнинг билим даражаси жуда қониқарсиз аҳволда бўларди. Кейинчалик, педагоглик касбини танлаб, шуни англадимки, муаммонинг туб илдизи ўша даврда табиий фанларни ўқитиш методологияси эскириб қолганида экан. Эндиликда ҳаммаси ўзгарди, мактабларимизда таълим сифати муттасил юксалиб бораяпти. Бугунги ўқувчилар билан карра жадвали ҳақида эмас, соннинг квадрат илдизлари хусусида бемалол сўз юритиш мумкин. Эътибор беринг-а, ҳозир дунёда физика, математика, кимё йўналишларида ўтаётган халқаро фан олимпиадаларида олтину кумуш медалларга сазовор бўлаётганлар кимлар? Улар бизнинг, мустақил Ўзбекистонимизнинг фарзандлари эмасми?!

Дарҳақиқат, бу муваффақиятлар мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, чунончи, шаҳару қишлоқларимизда янгиланган таълим даргоҳлари ва уларда навқирон авлод вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар, ўқитувчи ҳамда мураббийлар меҳнати муносиб қадрланаётганининг ёрқин самараларидир.

Айни пайтда мазкур таълим муассасасида 221 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга устозлик қилаётган педагогларнинг ўнга яқини истиқлол йилларида ёшлар камолоти, таълим-тарбия жараёнидаги фаоллиги ва фидойилиги учун давлатимизнинг юксак мукофотлари соҳибига айланишди. Эндиликда улар сафида Саломат Абдуқодирова ҳам бор. У мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирлангани жамоа ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Суҳбатдошимиз фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутиш асносида ён дафтаримизга қуйидаги хулосаларни қайд этиб борамиз: ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириши кўп жиҳатдан ўқитувчи танлаган усулнинг қанчалик тўғри ва таъсирчанлигига боғлиқ. Масалан, кимёвий ҳодисаларни оддий кундалик турмуш билан боғлай олмаган ўқитувчи мақсадига эришолмайди. Шу боисдан у ҳар сафар дарсга пухта тайёрланиши, мавзуга оид қўшимча маълумотлар, далиллар топа билиши лозим.

— Мана, оддий сув — $H_2O$-ни олайлик, — дея фикрини давом эттиради муаллима. — Унинг хоссаларини шунчаки тушунтириб бериш осон, лекин ҳар гал шу мавзуни ўтаётганда ўзимни худди профессор қаршисида имтиҳон топшираётган талабадай ҳис қиламан. Ахир болажонларга нимадир янги гап айтгим келади-да. Дарслик билан чекланиб қолган ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ютқазади. Ўғил-қизларни кўпроқ ҳаётий тажрибалар, мисоллар қизиқтиради. Шу боис кимё лабораторияси, реактивлар ва бошқа кўргазмали воситалардан кенг фойдаланишга интиламан. Қирқ беш дақиқага “сиғмай” қолган машғулотларни дарсдан сўнг бафуржа давом эттирган пайтларимиз кўп бўлган...

Назаримизда, ўқитувчи учун машғулотни қандай бошлаб олиш жуда муҳим. Битта топиб айтилган гап ёки битта ноодатий усул бутун дарс руҳини ўзгартириб юборади. Буни яхши тушунган Саломат опа ҳар доим янгиликка интилади. Шу боис синфга кириши биланоқ йўқлама дафтарини очмайди, гапни танбеҳдан бошламайди. Айтайлик, ўтган машғулотларни бир қур ёдга олиш баҳонасида ўртага савол ташлайди:

— Нима сабабдан ҳар бир мусбат ионнинг атрофида манфий ионлар жойлашади?

Савол жуда оддий-ку, дерсиз. Тўғри, ҳар қандай ионнинг атрофида электромагнит майдони борлиги, шу боис мусбат ва манфий ионлар ўзаро тортишувчан бўлиши олтинчи синфданоқ ҳаммага маълум. Лекин қоидани ёд олиш бошқа-ю, уни ҳаётий ҳодисаларга боғлай олиш бошқа-да. Шунинг учун ўқувчилар аллақачон ўз тасдиғини топиб бўлган илмий қоида ёки аксиомаларни келтиришлари биланоқ муаллим навбатдаги саволни кўндаланг қўяди:

— Масалан?

Ана шунда синф жонланади. Ўқувчиларнинг ҳозиржавоблигидан завқингиз келади. Баъзан улар шундай жонли мисоллар топишадики, лол қоласиз. Беихтиёр ўзингизнинг ўқувчилик дамларингизни эслайсиз. Шу тобда бугунги ўғил-қизлар фикр юритиш ва уни дадил асослаб бериш бобида аввалгиларга қараганда анча зукко ва журъатли эканликларини ич-ичингиздан тан олиб турасиз.

Аслида, қобилиятсиз бола бўлмайди. Ҳамма гап ана шу иқтидорни вақтида илғаб, тўғри йўналтира билишда. Қувонарлиси, Саломат Абдуқодированинг фидойи меҳнати, маҳорати туфайли мактабда кимёга айрича меҳр қўйиб, фанни чуқур ўзлаштиришга интилаётган ёшлар кўпайиб бораяпти. Қаранг, ўтган қисқа муддатда шогирдларининг 8 нафари фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларида ғолиблikка эришган. Улардан Аброржон Маннопов, Зулфия Азимова кетма-кет икки йил билимлар беллашувининг республика босқичида ўз иқтидорини намойиш этиб, таълимнинг кейинги босқичини имтиёзли асосда давом эттириш бахтига мушарраф бўлган.

Дарвоқе, биз тилга олган мактаб жойлашган Ойбулоқ қишлоғи оралаб Ангрен дарёси оқади. Унинг бир ирмоғида қадимий чархпалак бор. У кечаю кундуз тўхтовсиз айланаркан, ўз “ҳовуч”ида бир қатра сувни пастдан юқорига кўтариб, чор-атрофга обиҳаётдан насиба улашади. Саломат Абдуқодирова ҳам қадрдон даргоҳга худди шу азим чиғирнинг ёнидан ўтиб келади. Қизиқ, у ўзининг ҳар кунги меҳнати мана шу чархпалак заҳматига тенг эканини билармикин?

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маҳаллада замонавий марказ

*Бухоро шаҳридаги Аҳмад Дониш маҳалласи аҳли учун замонавий марказ қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

**БУНЁДКОРЛИК**

— Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаяпти, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Миракова. — Буни фаолиятимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозир замонавий бинода самарали ишлашимиз учун барча қулайлик яратилган. Маҳалламизда 1805 нафар аҳоли яшайди. Шундан 316 нафари вояга етмаган ёшлардир. Бинобарин, ҳудудимизда Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат университети “Талабалар уй”лари ҳам жойлашган. Марказдаги қулайликлардан шу таълим даргоҳларида таҳсил олаётган йигит-қизлар ҳам баҳраманд.

Дарҳақиқат, уч қаватли муҳташам бино яхлит мажмуа шаклида барпо этилган. Бу ердан минифутбол майдони, стол тенниси ва гимнастика заллари ҳамда фитнес бар ўрин олган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Лор комбайн» шифокорга ёрдам беради

*“Нозигул — Сардор — Оқолтин” хусусий клиникасининг Гулистон шаҳар филиалига томоқ, бурун ва қулоқ хасталиклари бўйича мурожаат қилган бемор битта ўриндиқда ҳам текширувдан ўтади, ҳам муолажа олади. Яъни бу жараёнлар хориждан келтирилган “Лор комбайн” қурилмаси ёрдамида бажарилади.*

**САЛОМАТЛИК**

Ҳозирги кунгача вилоятда ягона бўлган ушбу замонавий ускунанинг афзалликлари бисёр. Масалан, у томоқ, бурун, қулоқ йўлларига антисептик дорилар юбориш ва ювишни амалга оширади. Аппаратнинг юқори микроскопик ҳамда эндоскопик функцияси эса шифокорга текширувлар ва муолажаларни самарали ўтказишда қўл келади. Шунингдек, бемор ва тиббиёт ходими ўзи учун мўлжалланган алоҳида мониторлар орқали муолажа жараёнини кузатиб бориш имкониятига ҳам эга.

— “Лор комбайн” бир неча тиббиёт ускуналари бажарадиган функцияларни ўзида мужассам этган, — дейди клиника шифокори Фахриддин Эсиргапов. — Айни чоғда қурилмада электрон хотира ҳам мавжуд. Бу эса муолажадан аввалги ва кейинги ҳолатни қиёслашда қўл келмоқда.

Шунингдек, яқинда фаолият бошлаган мазкур шифо масканида юрак ва асаб тизими касалликларини даволашда ҳам ана шундай илғор тиббиёт технологиялари кенг қўлланилаяпти. Хусусан, умуртқа поғонаси остеохондрози коррекциясини амалга оширишда махсус муолажа каравотларидан фойдаланилаётгани туфайли ушбу хасталикни жарроҳлик аралашувисиз даволашга эришилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# БЕБАҲО МЕРОС, БЕТАКРОР ТАБИАТ, ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

### туризм ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, Ўзбекистонда дунёга таниқли “Рэдиссон БЛЮ”, “Виндхам”, “Лотте хотелз”, “Рамада” каби меҳмонхоналар ишлаб турибди. Айни пайтда пойтахтимиз марказида муҳташам “Хаятт” меҳмонхонаси биноси барпо этилаётган бўлса, халқаро миқёсда нуфузга эга “Хилтон” меҳмонхоналар тармоғи билан “Интернейшнл Отель Ташкент” меҳмонхонасини бошқариш бўйича шартнома имзоланганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантиришга доир ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида 8351 ўринга эга бўлган 152 та меҳмонхонани қуриш, туризм инфратузилмасига оид 36 та янги объектни ишга тушириш ва 45 тасини модернизация қилиш орқали сайёҳлар учун нафақат замонавий маҳсулот ёки йўналишларни тақдим этиш, балки тизимда 2300 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Ўз навбатида, юртимизда транспорт хизмати ҳам йил сайин такомиллаштирилаяпти. “Тошкент” халқаро аэропорти дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан ўнлаб самолётларни қабул қилаётгани, яна 11 аэропортимиз халқаро мақомга эгалиги, “Тошкент — Самарқанд — Қарши — Тошкент” темир йўл йўналишида Испаниянинг “Тальго” компаниясида ишлаб чиқарилган тезюрар поездлар ҳаракатининг йўлга қўйилгани бунга мисол бўла олади. Туризм инфратузилмаси ва хизматлар кўрсатиш даражасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар Туризм ва сайёҳлик бўйича Жаҳон кенгаши (WTTC) томонидан Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти ошиб бораётган илғор давлатлар қаторида эътироф этилишига замин яратгани эса, албатта, ҳар биримизга ғурур бағишлайди.

Бундан ташқари, 2009 йилдан буён ички туризм ҳам жадал ривожланаётир. Халқаро мутахассисларнинг фикрича, айниқса, экотуризмни тараққий эттиришимиз учун имкониятлар етарли. Чунки Ўзбекистон бой тарихи, бетакрор меъморий обидалари билан бир қаторда, иқлим шароити ва табиат мўъжизалари билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

— Зомин туманига “Асл табиат маскани” деб бежиз таъриф берилмаган, — дейди Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Комилжон Қаршибоев. — Нега деганда, бу ерда туризм соҳасида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Чунончи, денгиз сатҳидан 3000 метр баландликда жойлашган арчазорлар Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик ҳудудлардан бири саналади. Зоминнинг гўзал табиати ва иқлими, ўзига хос ҳайвонот ҳамда ўсимлик олами, маданий-этнографик хусусиятлари, шунингдек, пурвиқор тоғининг шифобахш ҳавоси туризмнинг соғломлаштириш-даволаш, экологик, этнографик, спорт йўналишларида экосаёҳатчиларни йил бўйи жалб қилиш имконияти бор. Шу билан бирга, Ватанимизнинг муқаддас қадамжолари, ноёб меъморий обидалари, хусусан, Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, Бухоронинг кўҳна Арк қалъаси, Хиванинг Ичанқалъаси, Қаршининг Одина, Кўкгумбаз обидалари, Шаҳрисабзнинг Оқсарой маданий ёдгорлиги, Қўқон ўрдаси, умуман, барча файзли гўшалари дунё аҳлининг хаёлини тортиб, ўзига чорлаяпти, десак, муболаға эмас. Бунда, аввало, ўлкамизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ҳамда ҳамжиҳатлик муҳити, жаҳонга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканларида юксак сифатли хизматлар кўрсатилаётгани муҳим омил бўлаяпти.

Президентимиз ўтган йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида сўзлаган нутқида соҳанинг асосий йўналишларига алоҳида тўхталиб, “Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайтда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва тароватi билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз”, дея таъкидлаган эди. Ана шу кўрсатма ва йўл-йўриқлар асосида ҳар бир вилоят, шаҳар ҳамда туманларимизда амалга оширилаётган ишлар натижасида сайёҳлик соҳаси тобора тараққий этмоқдаки, бу пировардида юртимиз довруғини янада ошириш, иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**МАДАНИЯТ хабарлари**

## Ижодкорлар билан мулоқот

*Навоий кон-металлургия комбинати ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” шиори остида адабиёт кунлари ўтказилди.*

Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ҳамда санъат арбоблари комбинат тизимидаги корхоналар, музейлар ва маданият марказларида бўлиб, кончилар билан учрашувлар ўтказдилар.

— Истиқлол йилларида эришаётган улкан ютуқларимиз, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик туфайлидир, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Меҳриноз Аббосова. — Учрашувларда миллий адабиётимизни ривожлантиришга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, чоп этилаётган янги асарлар ҳақида суҳбатлашдик. Бу биз каби ёш ижодкорларнинг келгусидаги изланишларимизга қанот бағишлайди.

Адабий кечаларда навоийлик истеъдодли ёшлар она-Ватан, бетакрор табиатимизга бағишлаб ёзган шеърларидан намуналар ўқишди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Балли, Камолиддин!»

*Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги киносаройда “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмаси асосида “Илк-фильм” студияси томонидан суратга олинган “Балли, Камолиддин!” бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

Мазкур картинада мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар ишбилармон йигит фаолияти мисолида очиб берилган. Шунингдек, фильмда ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар, ёшларнинг маънавий тарбиясига оид мавзулар ҳам қамраб олинган.

Унинг асосий воқеалари Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззахнинг Маржонбулоқ қишлоғида бўлиб ўтади. Яъни фильм бош қаҳрамони — яқиндагина олий ўқув юртини тамомлаб, нуфузли қўшма корхоналарнинг бирида иш бошлаган Камолиддин тез орада ўзининг иқтидори, ташаббускорлиги билан тилга тушади. Шу боис уни қўшма корхонанинг хорижий мамлакатлардан биридаги ваколатхонасига раҳбар этиб тайинлашади. Аммо кутилмаганда унинг қишлоқда яшайдиган акаси — Фазлиддин автоҳалокатга учраб, вафот этади.

Камолиддин икки ўт орасида қолади — хорижга кетиш керакми ёки марҳум акаси бошлаган боғдорчилик ишини давом эттириш лозимми? У жиддий ўйлаб кўриб, иккинчи йўлни танлайди ва қишлоққа қайтади. Қисқаси, Камолиддин акасининг орзусини рўёбга чиқаради. Боғни гуркуратиб, унга хорижлик шерикларни ҳам жалб этади. Бошқача айтганда, боғдорчиликни бизнес даражасига кўтаради.

“Балли, Камолиддин!” фильмининг сценарий муаллифи — Жасур Зиёхонов, постановкачи режиссёр — Элёр Ҳошимов. Унда бош ролларни Миролим Қиличев, Толиб Мўминов, Беҳзод Муҳаммадкаримов, Шаҳзода Матчонова, Рустам Каримов каби актёрлар ижро этган.

**Д. АБДУРАИМОВ.**

## Ёшлар учун туҳфа

*Пойтахтимизнинг Бектемир тумани Бинокор қўрғонида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.*

Бу ерда аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, 250 ўринга мўлжалланган томоша зали, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тўгарак хоналари мавжуд.

**Азиза ЮЛДАШЕВА.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 391 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5